



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI

BUYRUQ

2021 yil «19» iyul

135 -son

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5171-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 41-сон қарorigа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида харидларни ташкил этишда шаффофлик ва ошкоралик тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппаратида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги марказий аппаратида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ва тендерни ўтказиш бўйича харид комиссиясининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирнинг ўринбосарлари, департамент, бошқарма ва бўлинмалар раҳбарлари, шунингдек, барча манфаатдорлар мазкур буйруқ талабларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

3. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Вазирликнинг 2020 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида

давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 231-сон буйруғи (4-банд бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Девонхона (А.Рахимов) мазкур буйруқ вазирлик марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимдаги бошқа барча идоравий ташкилотларга етказилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



И. Махкамов

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий
аппаратида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппаратида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) марказий аппарати тизимида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат харидининг ташаббускори – Вазирлик марказий аппаратининг таркибий тузилмаси;

давлат хариди — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш;

энг яхши таклифларни танлаш — харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

харид қилиш тартиб-таомили — давлат хариди бўйича хатти-ҳаракатлар мажмуи;

харид комиссияси – Вазирликнинг буйруғига асосан ташкил этилган ва харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял орган;

нарх преференцияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорининг 1-банди “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошида назарда тутилган преференция.

2. Вазирлик харидларини амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий сиёсат устуворликлари, шу жумладан юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларнинг яратилиши, қулай экологик вазиятнинг сақланиши ҳисобга олинади.

3. Вазирлик харидларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга эътибор қаратиши лозим:

Вазирлик давлат харидларини ўтказиш харажатлари ва товарларнинг (ишлар, хизматлар) қийматини ҳисобга олиш;

давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан товарларни (ишлар, хизматлар) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш;

давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усуллардан фойдаланиш.

2-боб. Вазирликнинг харидлар фаолиятини амалга ошириш бўйича бошқарув органлари

4. Вазирлик харидлари мақсадлар, принциплар ва ёндашувларнинг ягоналигига, давлат харидлари жараёнида барча босқичларининг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигига ҳамда давлат харидлари барча субъектларининг ҳамкорлигига асосланади.

5. Вазирликнинг харидлар фаолиятини амалга ошириш бўйича бошқарув органлари тизимига қуйидагилар киради:

- а) Харид комиссияси;
- б) Ишлар бошқармаси;
- в) давлат харидининг ташаббускори.

6. Харид комиссиясининг таркиби:

олинadиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган тартибда Вазирликнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланади;

зарур бўлган тақдирда тегишли соҳа бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

7. Харид комиссияси - энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали давлат харидларини амалга оширади.

8. Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- харид қилиш ҳужжатларини келишади;
- таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
 таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
 зарур бўлганда, таклиф киритиш тартиби, ҳажми ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказди, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

9. Харид комиссиясининг юзма-юз мажлиси ўтказилиши учун харид комиссияси аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи иштирок этиши зарур.

10. Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссиясининг масъул котиби қуйидаги функцияларни бажаради:

Харид комиссиясининг йиғилиш баённомаларини, баҳолаш мезонларини, вазирлик буйруқ лойиҳасини ва харид қилиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни расмийлаштиради;

харид комиссияси аъзоларини йиғилиш кунидан камида бир кун олдин ўрнатилган тартибда хабардор қилади ва энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишини таъминлайди.

11. Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12. Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

13. Ишлар бошқармаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

электрон дўкон майдонидан, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали давлат харидларини амалга оширади;

Харид комиссиясининг йиғилишларини ўтказиш учун қулай шарт – шароит яратилишини (хона ва ҳ.к.) таъминлайди;

Харид комиссиясининг йиғилиш баённомаси ва энг яхши таклифларни танлаш бўйича ғолиб билан имзоланган шартноманинг ижросини таъминлайди.

14. Давлат харидининг ташаббускори қуйидаги вазифаларни бажаради: танлов (тендер) ўтказиш бўйича таклифларни Вазирлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун тегишли асослар келтирилган (молиявий ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади) билдирги билан киритади;

танлов (тендер) ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва улар Вазирлик марказий аппарати тегишли бўлинмалари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бошқа давлат органлари билан келишилишини таъминлайди.

3-боб. Вазирликнинг давлат харидлари турлари

15. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

а) электрон дўконда:

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваригача) қийматдаги товарларнинг;

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача) қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат харидларини амалга ошириш.

б) бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион - товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорда;

в) энг яхши таклифларни танлаш:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорда;

г) тендер:

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан ортиқ) миқдорда;

д) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;

е) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

4-боб. Вазирликнинг харидлар фаолиятини амалга ошириш тартиби

16. Харид қилишни ўтказиш бўйича буйруқ давлат харидининг ташаббускори томонидан киритилган таклифга (билдирги) асосан вазирлик раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

17. Давлат харидининг ташаббускори томонидан техник топшириқ, шартнома ва танлов ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

Бунда, давлат харидининг ташаббускори мустақил равишда ёки давлат харидларининг предметидан келиб чиқиб, тегишли таркибий бўлинмани жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини асослантирилган ҳолда белгилайди (қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очик ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланади.

Харид комиссияси Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби тўғрисида Низоми талаблари ва Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига амал қилган ҳолда ишларни ташкил этиш лозим.

18. Қонунчиликда белгиланган ҳолларда давлат харидининг ташаббускори томонидан танловнинг техник топшириғи ўрнатилган тартибда тегишли давлат ваколатли органларида экспертизадан (келишилади) ўтказилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлаш орқали амалга оширилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник

топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига (бундан буён матнда Комплекс экспертиза қилиш маркази деб юритилади) киритилади.

19. Давлат харидининг ташаббускори танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясига киритади.

20. Харид комиссияси ўз мажлисларида танлов ҳужжатлари Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуйидагиларни:

таклифлар қабул қилинадиган муддатларни;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини;

таклифларни баҳолаш мезонларини;

таклиф киритиш тартиби, ҳажми ва уни таъминлаш шаклини белгилайди.

21. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади ва танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссиясининг иштирокчилари томонидан имзоланади.

Баённомадан кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида Ишлар бошқармаси томонидан ўрнатилган тартибда эълон қилинади.

22. Танлов (тендер) натижалари бўйича шартнома танлов (тендер) ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов (тендер) иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.

23. Ишлар бошқармаси Харид комиссияси йиғилишининг тасдиқланган баённомаси ва танлов (тендер) ғолиби билан имзоланган шартнома ижросини ҳамда Вазирлик марказий аппаратининг тегишли маъсул бўлинмаларига етказилишини таъминлайди.

24. Тендерда (танловда) хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан нарх преференцияси қўлланилади.

Бунда тендернинг (танловнинг) харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган ҳар бир лот бўйича хорижий етказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари

олинган бўлса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўн беш фоиз миқдорда нарх преференцияси берилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

25. Мазкур Низом билан давлат харидлари соҳасидаги белгиланмаган масалалар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

26. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш, шикоятлар, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

27. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув шартноманинг муҳим шартлари ўзгартирилмаган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин.

28. Буюртмачи томонидан харид қилиш тартиб-таомилига оид барча ҳужжатлар, видеоёзувлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги марказий аппаратида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ва тендерни ўтказиш бўйича харид комиссиясининг

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

Харид комиссиясининг раиси	<i>лавозимига кўра</i>	– Вазир
Харид комиссияси раисининг ўринбосари	<i>лавозимига кўра</i>	– Вазир ўринбосари (давлат хариди ташаббускорининг бевосита раҳбари бўлмаган ўринбосар)
Харид комиссиясининг аъзолари	<i>лавозимига кўра</i>	– давлат хариди ташаббускори, Вазирлик марказий аппарати тегишли тузилмаси раҳбари
	<i>лавозимига кўра</i>	– Ишлар бошқармаси бошлиғи
	<i>лавозимига кўра</i>	– Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи
	<i>лавозимига кўра</i>	– Юридик бошқарма бошлиғи
	<i>лавозимига кўра</i>	– Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш марказининг Транспорт соҳасида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи
Харид комиссиясининг масъул котиби	<i>лавозимига кўра</i>	– давлат хариди ташаббускорининг масъул ходими

Изоҳ.

**Мазкур комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда ёки бўлмаган вақтда (хизмат сафари, кассалик даври) ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд тегишли функцияларни бажараётган шахслар комиссия аъзолари ҳисобланади.*

***Харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори турувчи ташиқлотти мутахассисларини жалб этиши мумкин.*

**Амалда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга талабларидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги буйруғи бўйича
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги буйруғига қуйидаги янгиликлар кирилди.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ–684-сон Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) янги таҳририга мувофиқ **харид комиссиянинг вазифалари ўзгартилди.**

Бунда, қуйидаги вазифалар белгиланди:
харид қилиш ҳужжатларини келишади;
таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;
таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
зарур бўлганда, таклиф киритиш тартиби, ҳажми ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказиши, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари золибини ва зарур бўлганда захирадаги золибни белгилайди ёки савдони амалга оширмаган деб топади.

2. Қонунга мувофиқ **харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари ва товарлар (ишлар, хизматлар) харид суммалари ўзгаритилди.**

Бунда, харид турларига қуйидагилар киритилди:

энг яхши таклифларни танлаш; (эски таҳрида танлов бўлган)

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари; *(эски таҳрида ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари бўлган)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

3. Қонунга мувофиқ қуйидаги талаб белгиланмаганлиги сабабли, “Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги давлат харидлари ўтказилганда харид комиссияси таркибига давлат буюртмачисининг вакилларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар-Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжсиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилади” деган эсумлалар чиқариб ташланди.

4. Давлат харидининг ташаббускори томонидан давлат харидларининг предметидан келиб чиқиб, тегишли таркибий бўлинмани жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини асослангириш белгиланмоқда.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 41-сон қарорига мувофиқ “нарх преференцияси” тушунчаси киритилди.

Тендерда (танловда) хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан нарх преференцияси қўлланилади.

Бунда тендернинг (танловнинг) харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган ҳар бир лот бўйича хорижий етказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари олинган бўлса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўн беш фоиз миқдорида нарх преференцияси берилади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ–684-сон Қонуни 2021 йил 23 июлдан кучга киради.

Шунингдек, Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказиш тўғрисидаги талаб 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.